

ЕНГИЛ ВА ЮК АВТОМОБИЛЛАР ИШТИРОКИДАГИ ЙТХ ТАҲЛИЛИ

Ўткир Исоханов

Тошкент давлат транспорт университети

Эркинжон Абдусаматов

Тошкент давлат транспорт университети

Салоҳиддин Турдибеков

Тошкент давлат транспорт университети

Аннотация: Ушбу мақолада юк автомобилларининг ҳайдовчи ўриндигидан кўринмас ҳудудига тушиб қолган енгил транспорт воситаси билан содир этилган йўл транспорт ҳодисаси таҳлили келтириб ўтилган.

Abstract: This article presents an analysis of a road traffic accident involving a light vehicle falling into the invisible area from the driver's seat of a truck.


Калит сўзлар: кўринмас ҳудуд, тўқнашув бурчаги, тўқнашув вақтида ҳаракат.

Key words: invisible area, collision angle, motion during collision.

Бутун дунёда автомобиль саноати ривожланиб кундан кунга транспорт воситалар сони ошгани сари инсонларнинг йўл транспорт ҳодисаларидан жабр кўриш эҳтимоли ошиб бормоқда. Бугунги кунга келиб йўл транспорт ҳодисаларидан энг кўп азият чекадиганларнинг катта ҳиссаси қоқоқ мамлакатларга нисбатан кескин ривожланаётган мамлакатларга тўғри келмоқда. Транспорт инфраструктурасини яхши йўлга қўйган иқтисодий бой мамлакатлар эса бу муаммоларни бирин кетин енгил бормоқда. Маълумотларга кўра ҳар йили тахминан 1.3 миллион одам йўл транспорт ҳодисаси қурбони бўлишади, 20 миллиондан 50 миллионгача одам тан жароҳати олишади ва улардан кўпчилиги ногирон бўлиб қолишади. Содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари жамиятга, одамларга, уларнинг оилаларига ва умуман олганда давлат миқёсида катта иқтисодий, моддий йўқотишлар ва маънавий зарарлар келтиради. Бу йўқотишлар даволаниш ҳаражатлари, шунингдек, воқеа жойида вафот этган, жароҳатлари туфайли ўлган ёки ногирон бўлганлар, шунингдек, жароҳатланганларга ғамхўрлик қилиш учун, ногирон бўлганларга иш жойи ёки мактабга бориб келишлари оила аъзолари иштирокида бўлганлиги учун маҳсулдорликни йўқотиш келиб чиқади. Йўл транспорт ҳодисалари зарари аксарият мамлакатларга ялпи ички маҳсулотининг тахминан 3 фоизини ташкил қилади.

Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, 2021 йил давомида Ўзбекистонда 10 001 та йўл-транспорт ҳодисаси расман қайд этилган, 2 426 киши ҳалок бўлган, 9 230 киши турли даражадаги тан жароҳатлари олган.

Статистик маълумотларга кўра, энг кўп бахтсиз ҳодисалар Фарғона, Тошкент ва Самарқандда қайд этилган. Энг кам йўл транспорт ҳодисалари Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё, Хоразм ва Навоий вилоятларига тўғри келмоқда.



1-расм. 2021-2022 йилларда 9 ойда содир бўлган йўл транспорт ҳодисаларининг турлари бўйича таҳлили

Тадқиқот сифатида транспорт воситаларини суруштрувчи иштирокида эксперт томонидан улар сақланаётган жойда, об-ҳаво шароитини инобатга олиб табиий ва сунъий ёруғликда кўздан кечирилади. Автомашиналарнинг шикастланган қисмларини кўздан кечириш жараёнида масшабли чизғич ҳамда рақамли фотоаппаратлар қўлланилади.

Ласетти русумли енгил ва Чакман русумли юк автомобилларини кўздан кечириш натижасида қуйидаги из ва шикастларнинг бир - бирига мос келиши аниқланди:


1-жадвал

Чакман русумли	Ласетти русумли
1. Олди ўнг томони ердан 70-117 см ва узунлиги 20 см ўлчамда чапдан ўнгга ва орқадан олдинга йўналган куч таъсирида юзасида шикастланиш ва сидирилиш излари мавжуд.	1. Олди чап қисми ердан 72-120 см узунлиги 152 см ўлчамда олдиндан орқага ва чапга йўналган куч таъсирида юзасида шикастланиш ва сидирилиш излари мавжуд.

Бундан ташқари Ласетти автомашинасининг олди чап қаноти, чап орқани кўриш ойнаси, олди чап эшиги, олди зарбқайтаргич(бамфер) чап бурчаги ва олди чап чироқлари шикастланган.

Чакман автомашинасининг олди зарб қайтаргич ўнг қисми(бамфер), олди ўнг чироқлари ва зина безаклари шикастланган.

Тўқнашиш натижасида олинган излар ва уларнинг қандай жойлашганлигини ҳисобга олган ҳолда автомашиналарнинг моделларини солиштириш натижасида уларнинг тўқнашув вақтидаги бир-бирига нисбатан ҳолати аниқланди. Шунга кўра, тўқнашувнинг дастлабки вақтида Чакман автомашинасининг олди ўнг томони билан Ласетти автомашинасининг олди чап томонига теккан ва бу вақтда уларнинг бўйлама ўқлари орасидаги бурчак 75 ± 5 даража атрофида бўлган деб айтиш мумкин.



2-расм. Автомобилларнинг мазкур ҳолатлари йўл ва унинг элементларига нисбатан олинмаган бўлиб, чизмада уларнинг моделлари акс эттирилган.

Демак, тўқнашув вақтида Чакман автомашинасининг олди ўнг томони билан Ласетти автомашинасининг олди чап томонига теккан ва бу вақтда уларнинг бўйлама ўқлари орасидаги бурчак 75 ± 5 даража атрофида бўлган.

Атомашиналар тўқнашган вақтида тўқнашган жойида тўхтаб қолмаган, маълум бир масофага ҳаракатланиб тўхтаган, уларнинг бўйлама ўқларини кесишган ҳолатида транспорт воситаларининг тўқнашув вақтида олган шикастланиш изларини пайдо бўлиши механизми, транспорт воситаларидан тўқнашув вақтида ёки тўқнашувдан сўнг қолган тормоз ёки сирпаниш излари траекторияси хусусиятлари ҳамда транспорт воситаларининг тўқнашувдан кейинги ҳолатларини, воқеа жойида тузилган ЙТХ чизмасидаги тўқнашув ўрнини ва иранспорт воситалар жойлашувини акс эттирувчи маълумотларга асосан ҳолатга аниқлик киритиш мумкин.

Ўтказилган тадқиқотлар, тўқнашувнинг дастлабки вақтида Чакман автомашинасининг олди ўнг томони билан Ласетти автомашинасининг олди чап эшигига теккан ва бу вақтда уларнинг бўйлама ўқлари орасидаги бурчак 75 ± 5 даража атрофида бўлганлигини кўрсатди.

Хулоса қилиб айтганда автомашиналарнинг тўқнашувдан кейинги ҳолатлари, тўқнашуви вақтида бир-бирига теккан қисм юзаларида қолган излар, шикастланган

қисмлари юзаларидаги излар ва бу шикастликларни ҳосил бўлиш механизмлари Ласетти ва Чакман автомобиллари тўқнашув вақтида ҳаракатда бўлганлигини кўрсатади. Тўқнашув вақтида Ласетти ва Чакман автомобиллари тўқнашув вақтида ҳаракатда бўлган.

Таклиф: Юк автомашинасининг кўринмас ҳудудига ушбу ҳажмга нисбатан кичик ва енгил транспорт воситалари вазиятни инобатга олган ҳолда кирмаслик чораларини кўриш, шу ҳудуддан ўтиб кетишга мажбур бўлган ҳолларда юк автомашинаси ҳайдовчисини огоҳлантириш сигналларини бериш чораларини кўриш ва хавфсиз эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилгандан сўнг хавфсизликни таъминлаган ҳолда ҳаракатни амалга ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Судебная автотехническая экспертиза. Ч.2. - М. 1980 г. - 491 с.
2. Диагностические транспортно - трасологические исследования по делам ДТП.М.1988 г.
3. <https://cyberleninka.ru/article/n/haydovchilarni-tayyorlashda-raqamli-o-zbekiston-2030-dasturini-joriy-etish>
4. <http://innosci.org/index.php/IJSES/article/view/151>
5. <http://innosci.org/index.php/IJSES/article/download/149/125>
6. <http://nauchniyimpuls.ru/index.php/noiv/article/view/1279>
7. <http://sciencebox.uz/index.php/jars/article/view/2785>
8. <https://cyberleninka.ru/article/n/y-llarda-transport-o-imini-bosh-arish-va-y-l-transport-odisalarini-kamaytirilishiga-aratilgan-choralar>
9. <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/108>
10. https://www.e3s-conferences.org/articles/e3sconf/abs/2021/40/e3sconf_conmechhydro2021_02026/e3sconf_conmechhydro2021_02026.html
11. <https://cyberleninka.ru/article/n/factors-leading-students-to-failure-and-their-innovative-solutions>
12. <https://cyberleninka.ru/article/n/yo-l-harakati-xavfsizligini-oshirish-tadbirlariga-xorijiy-yondoshuvlarning-amaliyotga-tadbiqi>
13. <http://sciencebox.uz/index.php/jars/article/download/2776/2547>